# Единый портал корпоративной информации

## Существенные факты

"Taminotchi-Paxta" AJ
06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА** | |
| | Полное: | "Taminotchi-Paxta" aksiyadorlik jamiyati |
| | Сокращенное: | "Taminotchi-Paxta" AJ |
| | Наименование биржевого тикера: | TAPA |
| 2. | **КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ** | |
| | Местонахождение: | Ташкентская область, р-н Чиназ, п.Эски-Тошкент |
| | Почтовый адрес: | 111610, Ташкентская область, р-н Чиназ, п.Эски-Тошкент |
| | Адрес электронной почты: | info@paxtabaza.uz (mailto:info@paxtabaza.uz) |
| | Официальный веб-сайт: | www.pahta.uz (https://www.pahta.uz) |
| 3. | **ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ** | |
| | Номер существенного факта: | 6 |
| | Наименование существенного факта: | Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг |
| | Вид собрания: | внеочередное |
| | Дата проведения собрания: | 10.03.2023 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Дата составления протокола собрания: | 17.03.2023 | |
| | Место проведения собрания: | Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эски Тошкент кишлоги | |
| | Кворум собрания: | 74,90 | |

| № | Вопросы, поставленные на голосование | Итоги голосования | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | за | | против | | воздержались | |
| | | % | количество | % | количество | % | количество |
| 1 | Умумий йиғилишнинг уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркиби ва қуйидаги аъзолари тасдиқлансин: А.Бектуров, Г.Аликулова ҳамда М.Мирзахожаев. | 100,0 | 195 913 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2 | -“Ta’minotchi-Paxta” АЖнинг мулкчилик шакли жамиятни қайта ташкил этиш йўли билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилсин; -“Ta’minotchi-Paxta” АЖ ижроия органи (К.Слезкин) жамиятнинг мулкчилик шаклини ўзгартирилиши билан боғлиқ барча ташкилий ишларни белгиланган тартибларга кўра амалга оширсин. | 100,0 | 195 913 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 3 | “Ta’minotchi-Paxta” АЖнинг мулкчилик шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартириш тартиби ва шартлари иловага мувофиқ тасдиқлансин. | 100,0 | 195 913 | 0 | 0 | 0 | 0 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | -Акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг акциялари жамият томонидан 6500,0 сўмдан сотиб олинсин; - Акциядорларнинг акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги аризалари қонунда белгиланган муддатларда “Ta’minotchi-Paxta” AJда (Тошкент вилояти, Чиноз тумани Эски Тошкент кишлоги, “Ta’minotchi-Paxta” AJнинг маъмурий биносида) қабул қилиб олинсин; - Жамият ижроия органи акциядорлардан аризаларни қабул қилиб олиш бўйича шароитлар яратсин, зарур холатда масъул ходим бириктирилишини таъминласин; - Акциялар акциядорларнинг акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги аризаларига асосан белгиланган муддатларда жамият томонидан сотиб олинсин. | 94,67 | 185 468 | 5,33 | 10 445 | 0 | 0 |

| № | Полные формулировки решений, принятых общим собранием |
|---|---|
| 1 | Умумий йиғилишнинг уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркиби ва қуйидаги аъзолари тасдиқлансин: А.Бектуров, Г.Аликулова ҳамда М.Мирзахожаев. |
| 2 | -“Ta’minotchi-Paxta” АЖнинг мулкчилик шакли жамиятни қайта ташкил этиш йўли билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилсин; -“Ta’minotchi-Paxta” АЖ ижроия органи (К.Слезкин) жамиятнинг мулкчилик шаклини ўзгартирилиши билан боғлиқ барча ташкилий ишларни белгиланган тартибларга кўра амалга оширсин. |

| | |
|---|---|
| 3 | “Ta’minotchi-Paxta” АЖнинг мулкчилик шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартириш тартиби ва шартлари иловага мувофиқ тасдиқлансин. “Ta’minotchi-Paxta” АЖ акциядорларининг 10.03.2023 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши баённомасининг иловаси “Ta’minotchi-Paxta” АЖни масулияти чекланган жамиятга айлантириш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларининг хукукларини химоя килиш тугрисидаги» Қонунининг (кейинги матнларда Қонун) 40-моддасига мувофиқ овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган. Ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида Қонунга мувофиқ акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Шунга кўра, “Ta’minotchi-Paxta” AJни масъулияти чекланган жамиятга айлантириш масаласига қарши овоз берган ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган, 03.03.2023 йил холатига шакллантирилган реестрда мавжуд бўлган акциядорлар жамиятдан ўзларига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Акцияларни қайтариб сотиб олиш акцияларнинг бозор қиймати бўйича, нақдсиз кўринишда пул ўтказиш йўли билан (миллий валютада) амалга оширилади. Жамият акциялари “Тошкент” Республикаси фонд биржаси котировка варағига киритилган бўлиб, ушбу қарор қабул қилинган кун холатига бир дона акциянинг котировка нархи 6 500,0 сўмни ташкил этади. Қонуннинг 24-моддасига кўра агар қимматли қоғозлар фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган бўлса, уларнинг биржа котировкалари мазкур қимматли қоғозларнинг бозор қиймати деб эътироф этилиши белгиланган. Шуни инобатга олиб, бир дона акция акциядорлардан 6 500,0 сўмдан ("Тошкент" РФБнинг 2023 йил 6 февралдаги 02/15-11-86-сонли хатига кўра оддий акциянинг котировка нархи) сотиб олинади. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари жамият (Тошкент вилояти, Эски Тошкент посёлкаси, “Ta’minotchi-Paxta” AJнинг маъмурий биноси) манзилига ёки info@pahta.uz электрон почтаси орқали акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олади. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ёзма талабида акциядорнинг яшаш жойи (юридик шаслар учун - жойлашган ери) ва унинг қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган маълумотлар бўлиши керак (акцияларни тўлаш учун маблағлар ўтказилиши лозим бўлган банк реквизитларини кўрсатилиши мақсадга мувофиқ). Шунингдек, Қонуннинг 41-моддасида жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тўғрисида хабардор этиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга юбориладиган Хабарномада Қонун 41-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар бўлиши лозим. Жамият ижроия органи Қонуннинг 41-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган маълумотларни ўз ичига олган Хабарномани мазкур Қонунда белгиланган муддатларда акциядорларга етказилишини таъминлайди. Мазкур тартибда кўзда тутилмаган холатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра хал этилади. |

| | |
|---|---|
| 4 | -Акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг акциялари жамият томонидан 6500,0 сўмдан сотиб олинсин; -Акциядорларнинг акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги аризалари қонунда белгиланган муддатларда “Ta’minotchi-Paxta” АJда (Тошкент вилояти, Чиноз тумани Эски Тошкент кишлоги, “Ta’minotchi-Paxta” АJнинг маъмурий биносида) қабул қилиб олинсин; -Жамият ижроия органи акциядорлардан аризаларни қабул қилиб олиш бўйича шароитлар яратсин, зарур холатда масъул ходим бириктирилишини таъминласин; -Акциялар акциядорларнинг акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги аризаларига асосан белгиланган муддатларда жамият томонидан сотиб олинсин. |

| | |
|---|---|
| Ф.И.О. руководителя исполнительного органа: | Слезкин К.В. |
| Ф.И.О. главного бухгалтера: | Алимов А.Х. |
| Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте: | Слезкин К.В, |

**Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента (http://pahta.uz)**

Источник: https://openinfo.uz/facts/6/9202
Дата: 04.09.2026